

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 801-ҳадис

801/1605 - عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: فَمَا لَنَا وَالرَّمَلُ؟ إِنَّمَا كُنَّا رَاعِيْنَا بِهِ الْمُشْرِكِينَ، وَقَدْ

أَهْلَكُهُمُ اللَّهُ، ثُمَّ قَالَ: شَيْءٌ صَنَعَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَا تُحِبُّ أَنْ تَتَرَكَ.

801.1605. Зайд ибн Аслам отасидан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху рукнга: «Аллоҳга қасамки, мен сенинг заар ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган бир тош эканингни биламан. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг сени истилом қилганларини кўрмаганимда, сени истилом қилмас эдим», деди-да, уни истилом қилди. Кейин: «Бизга рамлнинг нима дахли бор? Биз у билан мушрикларга ўзимизни кўрсатган эдик, холос. Аллоҳ уларни ҳалок қилиб бўлди», деди. Сўнgra: «Бу Набий соллаллоху алайҳи васаллам қилган иш, уни тарк этишни истамаймиз», деди».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

